DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI

2025-yil
4-son

Elektron ilmiy-ommabop jurnal
Электронный научно-популярный журнал
Electronic popular science journal

BOSH MUHARRIR:
Umurzoqov Bahodir Xamidovich

MUHARRIR:
Bahriddinova Muazzam Azam qizi

TAHRIR HAY' ATI:
Abduraxmonov Qalandar Xodjaevich, i.f.d., akademik.
Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich, t.f.d., prof.,
Xudoyqulov Sadirdin Karimovich, i.f.d., prof.,
Axmedov Durbek Qudratillaevich, i.f.d., professor
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.,
Nasimov Dilmurod Abdulloyevich, i.f.d., prof.,
Arabov Nurali Uralovich, i.f.d., prof.,
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna, i.f.d., prof.,
Mamadaliyeva Xafiza Xoldarovna, i.f.d., prof.,
Irmatova Aziza Baxromovna, i.f.d., prof.,
Tojiyeva Zulxumor Nazarovna, g.f.d., professor
Isayev Faxriddin Ikramovich, i.f.d., prof.
Usmanov Anvar Saidmaxmudovich, i.f.d., professor
Qodirov Abdurashid Madjidovich, i.f.d., professor
Hermann Sterzinger, i.f.d., professor (Germaniya)
Ergashxodjaeva Shaxnoza Djasurovna, i.f.d., professor
Tomash Kuchera, i.f.d., professor (Chexiya)
Abrorov Sirojiddin Zuxriddin o' g' li, PhD
Shakarov Zafar Gaffarovich, PhD, dotsent
Maxmudov Asliddin Sirojiddin o' g' li, PhD
Gulmurodov Kamoliddin Abduqodir o' g' li, PhD
Asqarova Muhabbat Ibraximovna
Bahriddinova Muazzam Azam qizi

MUNDARIJA

Абдурахманов Каландар Ходжаевич
Модель компетенций и траектории повышения квалификации в профессиональном образовании в условиях внедрения искусственного нтеллекта..... 5
Зокирова Нодира Каландаровна
Человеческий капитал и креативная экономика регионов Узбекистана оценка потенциала и точки роста..... 19
Усманов Анвар Саидмахмудович
Теоретический аспект устойчивого экономического роста..... 32
Мамадалиева Хафиза Холдаровна
Ўзбекистондаги демографик ўзгаришлар ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсири..... 43
Каримова Дилдора Мирсабитовна
Перспективы трансформации демографического потенциала узбекистана в демографический дивиденд..... 52
Саиджаббор Шоира Саидгаффор кизи
Экономическая самостоятельность женщин — историческая эволюция, изменение роли женщин на рынке труда и влияние социально-экономических факторов..... 60
Карабаева Гулнора Шарафитдиновна
Роль креативного сектора в обеспечении молодёжной занятости на рынке труда..... 69
Eshqulova Xilola Shoyimqul qizi, Muradova Alina Anvar qizi
Qishloq xo‘jaligi tarmoqlarida xizmat ko‘rsatish sohasidan samarali foydalanish istiqbollari..... 78
Кахрамонов Хуршиджон Шухрат угли
Современные подходы к обеспечению конкурентоспособности предприятий жилищно-коммунального хозяйства..... 85
Abdullayev Habibullo Asadulla o’g’li
Sun’iy intellektning mehnat bozoriga ta’siri: imkoniyatlar va xavf-xatarlar..... 90
Abdurahmonov Azizbek Akram o‘g‘li
Investitsion muhitni yaxshilash va xorijiy kapital uchun institutsional sharoitlarni takomillashtirish..... 96
Ilyasova Barno Axmadovna
qtisodiyot tarmoqlarini soliqlar orqali tartibga solish va rag‘batlantirish samaradorligini oshirish xususida..... 102

Matkarimova Intizor Atabaevna
O‘zbekiston hududida aholini ro‘yxatga olish tadbiriga tayyorgarlik..... 109
Khudoyberdiev Sardor Ismailovich
The impact of small entrepreneurship on the socio-economic development of regions in our country and its econometric analysis..... 119
Mardiyev Bunyod Sirojiddin o‘g‘li
Innovatsion iqtisodiyot sharoitida tikuv-trikotaj korxonalarida mehnat bozorining transformatsiyasi va ishlab chiqarishni samarali tashkil etish mexanizmlari..... 129
Ibrogimov Sherzodbek Xalimjon o‘g‘li
Atrof-muhit o‘zgarishlari sharoitida iqtisodiy xavfsizlikning strategik ustuvor yo‘nalishlarini amalga oshirish istiqbollari..... 134
Egamnazarov Khusniddin Fakhriddin ugli
Integrating international experience into sustainable tourism development: evidence from Uzbekistan..... 141
Mirzaeva Matluba Gaybulla kizi
Digitalization of the banking sector in Uzbekistan: drivers and implications for financial stability..... 152
Nasirova Nargiza Tursunpulatovna
Namangan viloyatini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari..... 163
Shaxidova Dilafruz Muxtarovna
Kichik biznesni rivojlantirishda hududiy imkoniyatlardan foydalanish holati: uning muammolari va yechimlari..... 172
Bobomuradova Sarvinoz Ziyadullayevna
The algorithm for forming transfer prices in trade enterprises and their role in segment reporting..... 180
Batirov Farxad Bakitovich
Tadbirkorlik faoliyatini moliyalashtirish orqali zamonaviy mehnat bozorining rivojlanishi..... 189
Abdullayeva Aziza Murot qizi
Ipoteka kreditlash bozorini rivojlantirish istiqbollari..... 194
Alimov Fazliddin Xalimovich
Qashqadaryo viloyatining ijtimoiy-iqtisodiy tizimlar faoliyatini iqtisodiy- statistik tahlili..... 201
Bahriddinova Muazzam Azam qizi
XItoy davlatida kambag‘allikni qisqartirish siyosati..... 209

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОГРАФИК ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ

Мамадалиева Хафиза Холдаровна
Иқтисодиёт фанлари доктори,
Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали
ORCID:0009-0002-8412-8062

Аннотация. *Ушбу мақолада Ўзбекистонда кечаётган демографик ўзгаришлар, уларнинг мамлакат иқтисодий ўсишига кўрсатаётган таъсири таҳлил қилинган. Тадқиқотда аҳоли сонининг ўсиши, меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва урбанизация жараёнлари иқтисодий барқарорлик нуқтаи назаридан баҳоланган. Шунингдек, демографик сиёсатни такомиллаштириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда аҳолининг ёш таркиби ҳамда миграция жараёнларининг ўрни ёритилган. Тадқиқот натижалари мамлакатда инсон капитали салоҳиятини ошириш ва иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга оширишда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади.*

Калит сўзлар: *демографик ўзгаришлар, аҳоли ўсиши, меҳнат ресурслари, урбанизация, миграция, иқтисодий ўсиш, инсон капитали, демографик сиёсат, ижтимоий омиллар, бандлик, ишчи кучи, иқтисодий барқарорлик, ҳудудий ривожланиш, аҳоли таркиби, иқтисодий ислоҳотлар.*

ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ

Мамадалиева Хафиза Холдаровна
Доктор экономических наук,
Ташкентский филиал Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова

Аннотация. *В статье рассматриваются демографические изменения, происходящие в Республике Узбекистан и их влияние на экономический рост страны. Анализируются рост численности населения, формирование трудовых ресурсов и процессы урбанизации с точки зрения экономической стабильности. Особое внимание уделено роли возрастной структуры населения и миграционных процессов в совершенствовании демографической политики и обеспечении устойчивого экономического развития. Результаты исследования служат научной основой для повышения человеческого капитала и повышения эффективности экономических реформ.*

Ключевые слова: *демографические изменения, рост населения, трудовые ресурсы, урбанизация, миграция, экономический рост, человеческий капитал, демографическая политика, социальные факторы, занятость, рабочая сила,*

экономическая стабильность, региональное развитие, структура населения, экономические реформы.

DEMOGRAPHIC CHANGES IN UZBEKISTAN AND THEIR IMPACT ON ECONOMIC GROWTH

Mamadaliyeva Khafiza Kholdarovna
Doctor of Economic Sciences,
Tashkent Branch of the Plekhanov
Russian University of Economics

Abstract. *This article analyzes the demographic changes taking place in Uzbekistan and their impact on the country's economic growth. The study examines population growth, the formation of labor resources, and urbanization processes from the perspective of economic stability. Particular attention is paid to the role of the age structure of the population and migration processes in improving demographic policy and ensuring sustainable economic development. The results of the study serve as a scientific basis for enhancing human capital and implementing effective economic reforms in Uzbekistan.*

Keywords: *demographic changes, population growth, labor resources, urbanization, migration, economic growth, human capital, demographic policy, social factors, employment, labor force, economic stability, regional development, population structure, economic reforms.*

Кириш.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда туғилишнинг ўртача сони 725-735 минг болани ташкил этди, 2024 йилда республика бўйича 743,4 та бола туғилди, ҳар бир туғиш ёшидаги аёлга 3,35дан тўғри келди, 2016 йилда бу кўрсатқич 2,5 промилени ташкил этган (2025 йил 1 январ ҳолатига кўра, республика аҳолиси 37 миллион 543,2 минг кишини ташкил этди). Жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда ушбу кўрсаткичнинг чегара қиймати 2,2 ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий тараққиёт ва демографик жараёнлар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги тўғрисидаги илмий мунозараларнинг тарихи узоққа бориб тақалади. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида мамлакатнинг демографик ва иқтисодий ривожланишининг ўзаро алоқадорлиги шубҳа остига олинмай қўйди. Ҳозирги даврда нафақат аҳоли ҳолати иқтисодиётга, балки иқтисодиёт ҳолати ҳам демографик шароитга, жумладан, аҳоли ва меҳнат ресурслари сонининг шаклланиш жараёни ва сифатига боғлиқ эканлиги аён бўлиб қолди.

Инсон капитали ишлаб чиқаришнинг муҳим омилига айланган ҳозирги даврда демографик жараёнлардаги ва аҳоли таркибидаги ўзгаришлар иқтисодиётга, айниқса ижтимоий маҳсулотни қайта ишлаб чиқаришга бевосита таъсир кўрсатади. Ҳозирда айниқса демографик вазият мураккаб бўлган мамлакатларда, бу борадаги муаммоларга миллий ва иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан қарала бошланди[1]. Жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида демографик хавфсизлик масалалари ўзининг муҳимлиги жиҳатидан харбий, иқтисодий ва сиёсий хавфсизликка тенглаштирилмоқда. Шунинг учун ҳам демографик устуворликларга умуммиллий манфаатлар сифатида қараш давлатнинг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар таҳлили.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда демографик жараёнларни ўрганиш бўйича бир қатор илмий ишлар амалга оширилган. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, аҳоли сони йил сайин ортаяпти ва бу ҳолат меҳнат ресурслари ҳажми ҳамда уларнинг сифат таркибига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Абдурахмонов Қ.Х. “Демография” асарида демографик жараёнларнинг иқтисодий тизимга таъсири чуқур ёритилган. Муаллиф аҳоли сонининг ўсиши, туғилиш ва ўлим даражалари, миграция ва шаҳарлашув тенденцияларини таҳлил қилиб, демографик омилларни меҳнат бозори ривожининг муҳим таркибий қисми сифатида баҳолайди[2]. Абдуғаниев А.Қ. “Демографик жараёнлар ва иқтисодий ўсиш муаммолари” асарида демографик ўзгаришларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини иқтисодий моделлар орқали кўрсатиб беради[3]. Унинг фикрича, аҳоли сонининг ўсиши ва меҳнат ресурслари салоҳияти иқтисодий фаолликни оширади, бироқ иш билан бандлик даражаси паст бўлса, иқтисодий самарадорлик пасаяди. Асарда меҳнат бозоридаги структуравий ўзгаришлар ҳам ёритилган. Саъдуллаев И.И. “Ўзбекистон демографияси: тенденциялар ва истиқболлар” асарида мамлакатдаги табиий ва механик ҳаракат кўрсаткичлари таҳлил қилинган[4]. Муаллиф демографик ўсишнинг иқтисодий юксалишдаги роли ва аҳоли таркибининг ёш жиҳатдан янгиланиши орқали меҳнат бозорини кенгайтириш имкониятларига эътибор қаратган. Шунингдек, урбанизация жараёнлари иқтисодий ўсишнинг асосий драйверларидан бири сифатида кўрсатилган. Рўзибоев Ш.М. “Демографик омиллар ва меҳнат бозори барқарорлиги” асарида муаллиф демографик омиллар — туғилиш, ўлим, миграция ва аҳоли таркибининг ўзгариши — меҳнат бозоридаги мувозанатга қандай таъсир кўрсатишини таҳлил қилади[5]. Асарда демографик фаолликнинг юқори бўлиши меҳнат ресурслари

етарли бўлишини таъминласа-да, иқтисодий инфратузилма унга мос ривожланмаса, ишсизлик ўсиши мумкинлиги таъкидланган. Қодиров Н.Б. “Аҳоли ўсиши ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғланиш” асарида демографик ўзгаришлар билан ялпи ички маҳсулот ўсиши ўртасидаги статистик боғланиш таҳлил қилинган[6]. Муаллиф корреляцион таҳлил орқали аҳоли сони ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ўртасидаги тўғридан-тўғри муносабатни кўрсатган. Шу билан бирга, аҳоли ўсишининг сифат жиҳати — яъни таълим ва соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлиги — иқтисодий ўсишни тезлаштирувчи омил сифатида кўрсатилган. Маматқулова Д.Т. “Демографик сиёсат ва унинг иқтисодий барқарорликка таъсири” асарида муаллиф демографик сиёсатнинг аҳоли ўсиши, меҳнат ресурслари шаклланиши ва ижтимоий барқарорликка таъсирини кўрсатади[7]. Асарда демографик сиёсатнинг самарали амалга оширилиши иқтисодий ўсиш учун қулай муҳит яратишини таъкидлайди. Шунингдек, демографик жараёнларнинг минтақавий тафовутлари таҳлил қилинган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид адабиётлар таҳлил қилинди. Статистик маълумотлар таҳлил қилиниб, ҳудудлар кесимида ўзаро таққослаш усули, демографик башорат усулидан фойдаланилди.

Tahlil va natijalar muhokamasi.

Замонавий илмий тадқиқотлар демографик ўзгаришларни иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан бири сифатида баҳолайди. Шунингдек, мамлакатда демографик сиёсат ва иқтисодий стратегиянинг уйғунлиги барқарор ўсишни таъминлайди.

Айни пайтда мамлакатлардаги иқтисодий муаммолар аҳолининг ҳам кенгайтирилган, ҳам тор такрор барпо бўлиши билан боғлиқликда ўрганилмоқда. БМТнинг Аҳолишунослик фонди маърузаларида экспертларнинг ривожланаётган мамлакатлар мисолидаги кузатувлари натижалари келтирилади. Уларда аҳоли сонининг тез ўсиши ва кўпболалилик иқтисодий ўсишни секинлаштириши ва камбагалликни сақланиб қолишига сабаб бўлиши таъкидланади. Лекин туғилиш кўрсаткичлари паст бўлган мамлакатларда иқтисодий ўсиш муаммолари аҳоли ва ишчи кучининг камайиши билан боғлиқ эканлиги ҳам эътироф этилади. Россиялик тадқиқотчиларнинг хулосаларидан шу маълум бўладики, демографик ва иқтисодий тизимнинг ривожланиш суръатларидаги номутаносиблик ишчи кучи бозорини ривожланишига таъсир этувчи қарама-қаршиликларни келтириб чиқариши Россиядаги демографик холатнинг ҳусусиятини акс эттиради[8]. Демак, бундан

давлатлар иқтисодий ўсишни тезлаштириш учун демографик муаммоларни ҳал этишлари керак бўлади, деган хулоса чиқиб келади.

БМТ аҳолишунослик бўйича экспертларининг таъкидлашича фақатгина демографик ўсиш эмас, балки ёш пирамидасининг ўзгариши, яъни меҳнатга яроқли ёшдаги аҳоли сонининг боқимандалар сонига бўлган нисбати асосий демографик омил бўлиб ҳисобланади. Бу шуни англатадики, ишчи кучини ўзига тортувчи меҳнат бозори имкониятларининг кенгайиши иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошишини таъминлайди.

Бу билан иқтисодий ўсишнинг "демографик дивидендлари" яратилади ва бу ўз навбатида омонат, жамғарма ва инвестицияларнинг ошишига олиб келади. Бундай шароитларда аҳоли ва ишчи кучини сифат жиҳатдан ривожланиши учун зарур шарт–шароитлар яратилади. Кам болали оилалар ўз болаларининг таълими ва саломатлиги учун каттароқ маблағ сарфлаш имкониятига эга бўлади ва бу ишчи кучини янада самарали қилади. Лекин иқтисодиёт ва жамият "демографик дивидендлар"ни автоматик тарзда ўзидан –ўзи ололмайди.

Жаҳон тажрибасидан кўринадики, аҳоли ёш таркибидаги ўзгаришлар (боқимандалар улушининг камайганлиги ва ишлаётган кишилар сонининг ортиб борганлиги) иқтисодий имкониятларда ўзига хос "демографик дарча" очиб беради. Бу ғарб илмий манбаларида "демографик дивидендлар", деб аталади. Унинг мазмуни шундаки, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига нисбатан боқимандалар сонининг камайганлиги ривожланиш учун қўшимча инвестициялар йўналтириш имкониятларини очиб беради.

Ўтган йиллардан фарқли равишда ҳозирги Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари аҳоли сонининг ўсиш кўрсаткичларидан анча юқори бўлмоқда. Масалан, 2012 йилда аҳоли сони 1,5 фоизга ошган пайтда, ЯИМ 8,2% га ўсган, 2017 йилда эса бу нисбат 1,7 ва 5,3%ни ташкил этди. Бундай ҳолат оилалар турмуш даражаси ва сифатини ошиши ва авлодлар ўртасидаги трансфертларни шаклланиши учун қулай шарт–шароитлар яратади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда уй хўжаликларининг асосий қисмида (99%) ҳаёт кечириш учун зарур маблағ ва оила турмуш даражасини таъминлашга қодир бўлган шахслар мавжуд. Айни пайтда ҳар бир уй хўжалигини турмуш фаровонлиги иқтисодий ва демографик омилларнинг ўзаро алоқадорлигига боғлиқ.

Иқтисодий хулқ–атвор–бу индивиднинг меҳнат бозорида, истеъмол ва молия бозорларидаги, оилада озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасидаги хулқ-атворидир. Демографик хулқ-атвор эса репродуктив–

хулқ-атвор, репродуктив майл ва яшаш жойни алмаштиришга бўлган муносабатни ўз ичига олади.

Демографик омиллар уй хўжалигини иқтисодий таркибини, яъни унинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аъзолари билан меҳнатга лаёқатли бўлмаган аъзолари ўртасидаги нисбатни белгилайди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, республикада шаҳар ва қишлоқ оилаларининг 80% ўзининг боқимандаларига эга.

Маълумки, уй хўжалигини даромадлари унинг даромад ва ҳаражатлари йиғиндисидан иборат бўлган оила бюджетида ўз ифодасини топади. Айни пайтда уй хўжалигини иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва уни сақлаб туриш учун унинг даромадлари ҳаражатларидан кўп бўлиши зарур, акс ҳолда уй хўжалиги камбагаликка кириш ҳавф остида қолиши мумкин.

1-жадвал

Уй хўжаликларини боқимандалар сони бўйича тақсимланиши, %

	битта	иккита	учта	тўртта
Шаҳар	15,9	27,0	29,6	8,2
Қишлоқ	10,0	30,0	26,9	14,1

Манба: Жадвал ўтказилган социологик сўров натижалари асосида тузилди.

Аксарият холларда ёш ва кўп болали оилалар, шунингдек пенсионерлар оилалари, асосан ёлғиз кексалар бундай ҳолатга тезроқ тушиб қолишлари мумкин. Пенсионерлар ўзлари мустақил молиявий манба (пенсия)га эга бўлганлари билан, кўп ҳолатларда дори-дармонга бўлган нархларнинг юқорилиги ва даволанишнинг пуллик эканлиги натижасида уларнинг маблағлари бундай ҳаражатларни қоплай олмайди.

Ўзбек оилаларининг кўпчилигида фарзандлар ота-оналари билан бирга яшаганлари боис, бундай муаммолар уй хўжалигини барча аъзолари томонидан ҳал этилади. Пенсионерларнинг фарзандларидан алоҳида яшаши асосан аҳолининг туб миллатга мансуб бўлмаган қисмига ҳосдир. Кейинги йилларда бундай пенсионерлар сонининг ошиб борганлиги миграция жараёнларининг оқибатлари билан боғлиқдир. Фарзандлари республикадан ташқарига чиқиб кетган кўпчилик русзабон оилаларда уларнинг ота-оналари шу ерда қолишни афзал кўрганлар. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат доирасида ёлғиз пенсионерларни қўллаб –қувватлаш чора –тадбирлари кўзда тутилган.

Айни пайитда оилаларнинг турмуш даражасини оширишда давлат ҳам муҳим роль ўйнайди. Давлат фақат янги иш ўринларини яратиб қолмай, самарали тадбиркорлик фаолияти юритиш учун ҳам реал шарт–шароитлар яратиши, шаҳар ва қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиш чора тадбирларини амалга ошириши зарур. Оилалар фаровонлигини

ошириш мақсадида давлат аҳолини касбга тайёрлашни таъминлаш, аёлларни иқтисодий жараёнларга, шу жумладан оилавий тадбиркорликни кенгайтириш ҳисобига жалб этиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истаган аёлларга ташкилий жиҳатдан ёрдам бериш борасида ишларни амалга ошириши керак бўлади. Оилалар фаровонлигини юксалганлиги уй хўжаликларининг катта қисмини тадбиркорлик фаолиятига жалб этилганлиги натижаси ҳисобланади. Ўзбекистонда аҳолининг кам таъминланганлик даражаси 2019-2024 йилларда 23,5дан 6,0%гача пасайганлиги бундан далолат беради.

Шу билан бирга оилаларнинг иқтисодий табақалашуви ҳам маълум маънода чуқурлашиб бормоқда. Охирги пайтда республикада кам таъминланган оилалар улуши камайгани билан, уларнинг сони анча катталигича қолмоқда. Бундай оилаларнинг аъзолари фарзандларига таълим бериш, саломатлигини таъминлаш, тўлақонли овқатланиш учун оила бюджети даромадларини шакллантиришнинг ички ва ташқи манбаларини излашга мажбур бўладилар.

Ўтказилган социологик тадқиқот доирасида оилаларнинг фаровонлиги борасида респондентлар фикрини билиш мақсадида, уларга “Оилангаз турмуш даражасини қандай баҳолайсиз?”, деган савол билан мурожаат қилинди. Тадқиқот натижаларининг таҳлили респондентларнинг 79,0% оиласининг фаровонлик даражасини ўртача деб баҳолаганлигини кўрсатди. Шаҳар ва қишлоқ кесимида кўрилганда респондентларнинг фикрлари бир-биридан фарқ қилади. Қишлоқ жойларида турмуш даражасини паст деб баҳолаганлар улуши шаҳардагига қараганда деярли 2 баробарга кўп эканлиги аён бўлди.

Аҳолининг сифат жиҳатдан ривожланишига эришиш масаласини ҳал этиш анча мураккаб эканлигини тадқиқотчилар, жумладан, россиялик ва ғарб олимлари кўп маротаба таъкидлаб ўтганлар. Барча тадқиқотчилар умумтаълим тизимида ҳам, касб таълими тизимида ҳам ўқитиш сифатининг бир мунча пасайганлигига эътибор қаратиб, бундай ҳолат мазкур тизимда ўтказилаётган ислоҳотлардаги камчиликлар, ва ҳар бир мамлакатда ҳозирги пайтда шаклланган ўзига хос шарт-шароитлар билан боғлиқ эканлигини таъкидламоқдалар.

Совет даврида олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш бўйича Россия олдинги ўринда турганлигига қарамай, унинг “ҳозирги вақтда шаклланган меҳнат салоҳияти иқтисодий ривожланишнинг бугунги кундаги босқичи талабларига мос келмайди”[9]. Ўзбекистонда ҳам ёшларни касбга тайёрлаш борасида бир қатор муаммолар мавжуд. Шунинг учун ҳам кадрларни касбга тайёрлашни сифат жиҳатдан яхшилаш масаласини ҳал этиш республикани ижтимоий –иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланган.

Америкалик иқтисодчи Эдвард Денисснинг баҳолашига кўра 1929-1982 йиллар давомида АҚШ реал миллий даромадининг 14% ишчи кучи сифатини яхшилаш ҳисобига ўсган бўлиб, будеярли капитал ҳаражатлари (19,5%) омили таъсири билан тенг дейиш мумкин[10]. Бу шуни англатадики, инсон капиталига йўналтирилган инвестициялар меҳнат унумдорлигини ўсишини ва умумий холда иқтисодий ўсишни таъминлашда катта самара беради, таълимга йўналтирилган инвестициялар эса асбоб–усуналар, жиҳозларга қилинган инвестициялардан кам самара бермайди. Келгуси йилларда умумий таълим ва касб таълими тизимига инвестицияларни узлуксиз киритиш, илмий–педагог кадрлар малакасини ошириш тизимидаги ишларни такомиллаштириш, уларни самарадорлигини ошириш аҳоли ва ишчи кучи сифатини яхшилашга хизмат қилади. Бунинг натижасида иқтисодий ва демографик жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги самарадорлигини таъминлаш имкониятлари кенгаяди.

Xulosa va takliflar.

Демографик жараёнлар ва пайдо бўлаётган ижтимоий хавфларни тартибга солишнинг асосий воситаси сифатида давлатнинг узоқ муддатли демографик сиёсатини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Узоқ муддатли демографик сиёсатнинг ягона тизимини шакллантириш зарурати қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқ:

-тезкор бошқарув қарорларини қабул қилишда, мамлакат ва минтақаларни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда демографик тенденцияларни, потенциал ижтимоий-демографик хавфларни етарли даражада ҳисобга олмаслик, (йиллик прогнозлар ва моддий балансlар, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари, мақсадли давлат дастурлари-функционал, тармоқ ва ҳудудий ривожланиш стратегиялари, аҳоли пунктлари бош режалари, узоқ муддатли аҳолини жойлаштириш схемалари ва бошқалар);

- тизимли асосда танланган сўровлар ўтказиш, демографик вазиятни мониторинг қилишнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш орқали аҳоли, уй хўжаликлари (оилалар), ахолининг жинс ва ёш таркиби (охирги аҳолини рўйхатга олиш 1989 йилда бўлиб ўтган) бўйича ахборот базасини шакллантириш мақсадга мувофиқдир;

- демографик жараёнларни мақсадли тартибга солишнинг ишлаб чиқилган миллий концепцияси, мамлакатда ва минтақалар бўйича аҳолининг ўрта ва узоқ муддатли истиқболда расман тасдиқланган прогнозининг йўқлиги.

Адабиётлар :

1. Демографические перспективы России. М.: 2008. С.81

2. Абдурахмонов Қ.Х. Демография. – Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2011. – 320 б.

3. Абдуғаниев А.Қ. Демографик жараёнлар ва иқтисодий ўсиш муаммолари. – Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2021. – 215 б.

4. Саъдуллаев И.И. Ўзбекистон демографияси: тенденциялар ва истиқболлар. – Тошкент: “Фан ва тараққиёт”, 2020. – 198 б.

5. Рўзибоев Ш.М. Демографик омиллар ва меҳнат бозори барқарорлиги. – Самарқанд: “Zarafshon press”, 2022. – 176 б.

6. Қодиров Н.Б. Аҳоли ўсиши ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғланиш. – Тошкент: “Иқтисодий тадқиқотлар маркази”, 2023. – 204 б.

7. Маматқулова Д.Т. Демографик сиёсат ва унинг иқтисодий барқарорликка таъсири. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2024. – 189 б

8. Мамадалиева Х.Х.Взаимосвязь экономических и демографических процессов в условиях глобализации// Иктисод ва молия / Экономика и финансы. Т.,2016, № 6

9. Мамадалиева Х.Х. Демографическое развитие и современные тенденции трудовой миграции населения Узбекистана // Демографические исследования и публикации. — 2023. — С. 12–20.

10. Мамадалиева Х.Х. Вопросы занятости и образования в Узбекистане: демографический аспект // Экономическое развитие и анализ. — 2024. — С. 34–42.

DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI

BOSH MUHARRIR:
Umurzoqov Bahodir Xamidovich

MUHARRIR:
Bahriddinova Muazzam Azam qizi